



## ФРАЗЕОЛОГИЯНИНГ ТИЛШУНОСЛИКНИ БИР ТАРМОҒИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

**ШУХРАТХОН ИМЯМИНОВА-**  
**Ўзбекистон Миллий университети профессори**

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада тилшуносликнинг тармоқларидан бири фразеологиянинг тилда тутган ўрни, вазифаси, унинг тарихий тараққиёти, фразеологияда моносемия ва полисемия ходисалари тўғрисида фикрлар юритилган. Мақолада фразеологиянинг асосий бирлиги фраземанинг тарифи тўғрисида ҳам сўз юритилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Фразеология, фразема, фразеологик моносемия, фразеологик полисемия, семантик маъно, тилшунослик, адабиётшунослик.

Фразеология тилшуносликнинг бир тармоғи сифатида ўрганиб келинмоқда. Фразеология маълум бир тилнинг сўз бойлигини оширишнинг йўлларида бири хисобланади. Бундан ташқари фразеология термини ҳозирда ўзининг тор маъноси билан бир қаторда, қуйидаги маъноларда ҳам қўлланилмоқда, яъни маълум бир тилнинг фразеологизмларининг йиғиндиси, тилшуносликнинг маълум бир тармоғи сифатида ва шоир ё ёзувчига хос бўлган фразеологизмлар йиғиндиси, тилда мавжуд ва ҳар доим қўлланиладиган кўчма маънога эга бўлган штампланган фразеологизмлар.

Фразеология термини дунё тилшунослигида 1558 йилда инглиз адабиётшуноси Неандр томонидан биринчи марта қўлланилган. У бадий асарларни таржима қилишда фразеология терминни қўллаган.

Фразеология тилшуносликнинг мустақил йуналишларидан бири хисобланади. Унинг пайдо бўлиши XIX асрга бориб тақалса ҳам, XX асрнинг 40-йилларига келибгина тилшунос олимлар фразеология соҳасида чуқур изланишлар олиб бора бошлаганлар [1, 14]. Кўплаб илмий тадқиқот ишлари орқали фразеологизмларнинг нафақат нутқни жозибали ва тушунарли ҳамда маъно касб этиши, балки тасвирий жихатдан бойлиги ва эстетик маъно берувчи жихатлари ва уларнинг тилдаги қўлланиши ҳам чуқурроқ тадқиқ қилинди.

Фразеология атамасида унинг икки маънолилигига алохида эътибор бериш ва уни фарқлай олиш ҳам керак. Бир томондан у тилшуносликдаги тадқиқотларнинг асосий қисмини ташкил этувчи фан сифатида тушунилса, иккинчи томондан маълум тилдаги барча фразеологизмларнинг йиғиндиси тушунилади.

Фразеология тадқиқот соҳаси сифатида жуда ёш йўналиш ҳисобланади. Юқорида таъкидланганимиздек унинг келиб чиқиши XIX асрга бориб тақалса ҳам, XX асрнинг бошларидагина унга бўлган қизиқишлар кучайди. Шундан буён фразеологияни тадқиқ қилиш тилшунос олимларнинг диққат марказида турибди десак хато бўлмайди. Фразеологияга ушбу илмий мурожатнинг тамал тошини швецариялик тилшунос Ч. Балли қўйди. У ўзининг "Traite de stylistique française" номли асарида тилшуносликнинг янги бир йўналишига эҳтиёж борлигини таъкидлаши 1909 йилда тилшуносликда кучли бурилиш бўлди [2, 5]. Унинг билдирган фикрлари фразеологиянинг вазифалари ва чегаралари ҳақидаги назарий мунозалараларнинг асоси бўлди. Ч.Баллининг қарашлари камчилик олимлар томонидан тан олинди ва тадқиқотларнинг натижалари жаҳон оммасига номаълумлигича қолиб кетди.

Кейинчалик рус тилшунослигида фразеологизмларни ўрганиш XIX асрнинг 50 – йилларида бошланади. Ўзбек тилшунослигида эса XX асрнинг 50- йилларидан ўрганила бошланди.

Ч.Баллининг қарашларини бевосита давомчилари сифатида тилшунослар В.В.Виноградов, Б.А.Ларин, Н.Н.Амосова, Ю.Ю.Авалиани, А.М.Бабкин, В.П.Жуков, А.В.Кунин, А.И.Молотков, А.Г.Назарян, Л.И.Ройзензон, Н.М.Шанскийлар [3] фразеологиянинг қатор назарий масалаларини ишлаб чиқдилар. Шунингдек, ўзбек тилшунослардан Е.Д.Поливанов, Я.Пинхасов [4], Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Бердиёров, Абди Маматов, А.Маматов, Б.Йўлдошевларнинг илмий-амалий ҳамда монографик тадқиқотлари ўзбек тили фразеологиясининг назарий муаммоларига бағишланганлигини таъкидлаш зарур.

Авваллари фразеология соҳаси тилшуносликда эмас, адабиётшуносликда ўрганилган. Чунки бадиий асарларни чет тилларидан ўзбек тилига ва аксинча таржима қилишда фразеологизмларни ҳам таржима қилиш муаммоси пайдо бўлган.

Шундай қилиб, фразеология биринчи марта адабиётшунослик предмети сифатида ўрганилган. Кейинчалик эса фразеологизмларнинг маънолари луғатларда акс эттирилган ва шундай қилиб уларнинг грамматик қурилиши тилшунослик фанида ҳам ўрганила бошланди. Ҳозирда эса бу соҳа ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшуносликда ўрганилмоқда.

Мустақиллик мамлакатимизда тилшунослик фани равнақиға ҳам кучли таъсир кўрсатиб келмоқда. Истиқлол даврида тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла камраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, фразеологик луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди [5]. Ўзбек тилшунослигида фразеологиянинг назарий масалаларини ўрганишта эътибор кучайди.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни кўпинча семантик томондан ўрганиб келинган. Немис тилшунослигида эса фразеологизмлар семантик, грамматик, этимологик, стилистик, прагматик ва лингвокультурологик ҳамда шеваларга доир фразеологизмлар ҳам ўрганилган. Чунки, фразеологизмларни фақатгина семантик жиҳатдан ўрганиш бу соҳанинг барча хусусиятларини аниқлаш учун имкон бермайди.

Ўзбек тилшунослигида Ҳ.Жамолхоновнинг фикрича, фразеология тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг луғат таркибидаги фраземалар ҳақида маълумот беради. Фразема кўчма маъноли турғун конструкциядир. Масалан, зўраймоқ (лексема) – авж олмоқ (фразема), қийналмоқ (лексема) – азоб чекмоқ (фразема) каби. Демак, фразема ҳам лексема каби луғавий бирлик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан лексемадан фарқланади [6, 216].

Фразеологияда моносемия ва полисемия ходисаси мавжуд бўлиб, бу жараён жуда кам ўрганилган. Фразеологик моносемия деганда фраземаларнинг семантик таркибида битта фразеологик маъно бўлиши талаб этиладиган фразема тушунилади.



Бу эса албатта кўчма маънога эга бўлади ва бу фразема ўз маъносида қўлланилмайди. Масалан, немис тилида куйидаги фраземани таҳлил қилиб кўрайлик: *den (seinen, ihren) Löffel abgeben* фразеологизми ўз қошигини топширмоқ маъносини беради, аммо бу бирикма немис тилида фразема ҳисобланиб *вафот этмоқ* деган семантик маънога эга. Бу фраземада немис тилида род категорияси мавжуд бўлганлиги учун *seinen, ihren* эгалик олмошлари қўлланилади. Чунки фраземанинг мазмунига қараб олмош орала бу эркак ёки аёл киши эканлигини фарқлаб олиш мумкин.

Ўзбек тилида Ҳ.Жамолхоновнинг фикрича, фразеологик моносемия фраземанинг семантик таркибида битта фразеологик маънонинг борлигини билдиради. Масалан, ўзбек тилида *кўнглига қўл солмоқ* фраземанинг семантик таркибида яширин кўнглида нима борлигини билишга ҳаракат қилишдан бошқа маъно йўқлигини билдиради [7, 219].

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида фраземаларни грамматик, семантик, функционал жиҳатлардан ўрганиш соҳасида баъзи ютуқларга эришилди, аммо ҳалигача ўзбек фразеологиясида чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар талайгина. Эндиги вазифа ўзбек тилидаги фраземаларнинг замонавий тилшунослик нуқтаи назардан қиёсий-тарихий, лингвокультурологик, лингвопрагматик ва типологик жиҳатдан тадқиқ қилишни кучайтиришдан иборатдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Eckert R., Günther K. Die Phraseologie der russischen Sprache. München, Langenscheidt, 1992.
2. Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. Tübingen, Niemeyer, 1997.
3. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. – М.: Высшая школа, 1974. – 340-364 с.; Ларин Б.А. Очерки по фразеологии. – М.: ЛГУ, 1956. – 198 с.; Амосова Н.И. Основы английской

фразеологии. – Л., 1963. – 227 с.; Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: 1978. – 160 с.; Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: 1972. – 288 с.; Молотков А. И. Основы фразеологии русского языка. – Санкт – Петербург: 1997.; Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – М.: 1987. – 237 с.; Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарканд: 1975. – 165 с.; Шанский Н.М., Фразеология современного русского языка. – М.: 1969. – 231 с.

4. Поливанов Е.Д. Избранные работы. Статьи по общему языкознанию. – М.: Наука, 1968. – 376 с.; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хамида Алимджана. –Т.: АКД, 1953. – 19 с.

5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Тошкент, 1992; Содиқова М. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. Тошкент, 1994; Йўлдошев Б., Бозорбоев К. Ўзбек тилининг фразеологик луғати (сўзлик). Тошкент, 1998 ва бошқалар.

6,7. Жамолхонов Ҳасанхон. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, “Талқин” нашриёти, 2005.